

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOғLIQNI SAқLASH VAZIRLIGI

VA


**“IPSUM PATHOLOGY” MASъULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
ўrtasida**

Respublika ixtisoslashtirilgan onkologiya va radiologiya ilmiy-amaliy tibbiёт markazi Toshkent shahar filialining bir qavatli binosida davlat-xususiy шериклик asosida patomorfologiya laboratoriyasini tashkil этиш бўйича

DAVLAT-XUSUSIY ШЕРИКЛИК TўғRISIDAГИ BITIM

Тoшкент ш.- 2020 й.


1



49

МУНДАРИЖА

1. АТАМАЛАР ВА БИТИМ ТАЛҚИНИ	4
2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	6
3. БИТИМ ПРЕДМЕТИ, ДХШ ОБЪЕКТИ, БИТИМНИНГ КУЧГА КИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ	6
4. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ	7
5. ТАРАФЛАРНИНГ ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАРИ	8
6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	9
7. ДАВЛАТ ШЕРИГИ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИК ЎРТАСИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ТАКСИМЛАНИШИ	15
8. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОБЪЕКТНИ ВА УНГА ТЕГИШЛИ ЕР МАЙДОНИНИ АЖРАТИШ	15
9. УСКУНАЛАР	16
10. ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ	16
11. ТИББИЙ ВА БОШҚА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ	17
12. ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН РУХСАТНОМАЛАР	18
13. ХОДИМЛАР	18
14. СУҒУРТА	19
15. ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ	19
16. АЛОҲИДА ҲОЛАТЛАР	19
17. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ	21
18. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР	22
19. БИТИМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ	22
20. БИТИМНИ БЕКОР ҚИЛИШ	23
21. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ	26
22. ХАБАРДОР ҚИЛИШ	26
23. ОШКОР ҚИЛМАСЛИК	27
24. ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ, МИҚДОРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ	27
25. БИТИМ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	28
26. ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ВА УНИ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ	28
27. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК БИТИМИ ОБЪЕКТНИ ҚАЙТАРИШ ТАЛАБИ ВА ТАРТИБИ	29
28. ЛОЙИХАНИНГ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ	29
29. БОШҚА ШАРТЛАР	30
30. БИТИМГА ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ	30
Битимга 1-ИЛОВА Бинога бўлган техник талаблар	31
Битимга 2-ИЛОВА Тиббий хизматларни ташкил қилиш бўйича техник таклифлар	32
Битимга 3-ИЛОВА Лойиҳани амалга ошириш графиги	36
Битимга 4-ИЛОВА Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва суммаси	37
Битимга 5-ИЛОВА Талаб қилинадиган рухсатномалар	40
Битимга 6-ИЛОВА ДХШ лойиҳасининг молиявий ҳолати	42
Битимга 7-ИЛОВА Лойиҳаниннг самарадорлик кўрсаткичлари	43
Битимга 8-ИЛОВА Кадастр ҳужжатлари нусхаси	44
Битимга 9-ИЛОВА Инвестиция киритиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ҳамда замонавий ускуна ва жихозларни ўрнатиш бўйича режа-графиги	45



Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг бир қаватли биносида давлат-хусусий шериклик асосида патоморфология лабораториясини ташкил этиш бўйича

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ

Давлат шериги - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сонли қарори билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Низом ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги Низом”га асосан иш юритувчи юридик шахс.

Хусусий шерик- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 27 декабрдаги 319-сонли буйруғига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ҳақида қарорлар қабул қилиш, хусусий ташаббускорлар билан музокаралар ўтказиш, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб юритилади) йиғилиш баёни асосида танланган Хусусий шерик. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сонли “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси 7-банди ва 25-моддасига асосан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали хусусий ташаббускор билан битим тузилади. Мазкур битимда Хусусий шерик сифатида Ташкент шаҳар, Чилонзор тумани, Боғистон кўчаси, 1-уй манзилида рўйхатдан ўтган, юридик шахс “IPSUM PATHOLOGY” масъулияти чекланган жамияти кўзда тутилган.

Мазкур Битим Давлат шериги ва Хусусий шерик ўртасида 2020 йил 27 август куни (кейинчалик матнда-имзоланган санада) Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида тузилди.

Бунда,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552 сонли фармонида кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги объектлари фақатгина давлат-хусусий шериклик асосида (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилганларидан ташқари) тадбиркорлик субъектларига берилиши мумкинлиги белгиланганлигини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелда “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4290 сонли қарори қабул қилинганлиги, 2019 йилнинг 10 июнида

